

**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси
ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги
Судьялар олий мактаби ўртасида ўзаро ҳамкорлик түғрисида**

К Е Л И Ш У В

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси ва Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши хузуридаги Судьялар олий мактаби (кейинги ўринларда Томонлар деб аталади):

ички ишлар ва судьялар, судлар аппарати ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш;

суд ва ҳуқукни муҳофаза қилиш фаолияти, шунингдек ҳуқукни қўллаш амалиётининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш бўйича тадбирлар ўтказиш;

суд фаолияти соҳасидаги қонунчиликни таҳлил қилиш ҳамда ўрганиш, жиноий, маъмурий жазолар тизимини янада либераллаштириш, суд, жиноят-процессуал, фуқаролик процессуал, иқтисодий процессуал, маъмурий қонунчилигини такомиллаштириш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чикиш;

жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқукни қўллаш амалиёти самарадорлигини ошириш;

суд-хуқук соҳасида фундаментал ва амалий тадқиқотлар олиб бориш жараёнидаги алоқаларни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш;

Томонлар ўртасида ўзаро тажриба алмашишга қаратилган самарали чоралар қабул қилишда ўзаро манфаатдорликдан келиб чиқиб,

қўйидагилар ҳақида қелишиб олдилар:

1-модда

Мазкур қелишувнинг мақсади Томонлар ўртасидаги ички ишлар ва судьялар, судлар аппарати ходимларини малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш фан ва технологияларнинг устувор йўналишларига мувофик ҳуқукни қўллаш, суд амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар ўтказиш соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантиришdir.

2-модда

Томонлар ўзаро манфаатлар асосида қўйидаги йўналишларда ҳамкорлик киладилар:

таълим жараёни ва илмий-тадқиқот ишларига Томонларнинг профессор-

ўқитувчилари ва ходимларини жалб этиш;

суд-хуқук тизимини такомиллаштириш, қонунчиликни ривожлантириш ва ягона хуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш;

суд-хуқук масалалари бўйича Томонларнинг фаолияти ҳақидаги ахборотлар, маълумотлар ва таҳлилий ҳужжатларни ўзаро алмашиш; ✓

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг долзарб муаммолари юзасидан суд амалиётини таҳлил қилиш ва шу асосида тайёрланган маълумот ва ахборотлар билан алмашиш; ✓

қонунчилик ва хуқуқни қўллаш амалиётини таҳлил қилиш натижалари бўйича қонунчиликда бўлиши мумкин бўлган бўшлиқларни аниқлаш, уни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ва норматив-хуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлаш;

қонунчилик комплекс ва чуқур таҳлил қилиш, суд, хуқуқни қўллаш амалиётини умумлаштириш, ҳалқаро тажрибани ўрганиш натижалари бўйича суд-хуқук соҳасида демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган таклифлар, шунингдек одил судловни янада демократлаштириш, суд фаолиятини такомиллаштириш бўйича концепциялар, дастурлар, тавсиялар тайёрлаш;

жиноятчилик статистикаси ва бошқа материалларни таҳлил қилиш натижалари бўйича ҳал этилиши талаб этилаётган суд ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини янада такомилаштиришнинг долзарб масалаларини аниқлаш, улар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

илмий тадқиқотлар натижаларини суд, ички ишлар органлари, давлат ва нодавлат ташкилотлари фаолиятига татбиқ этиш;

Томонларнинг илмий газета, журнал, тўплам ва бошқа нашрларида докторантлар, профессор-ўқитувчилар ҳамда бошқа мутахассислар томонидан тайёрланган илмий мақола ва тезисларнинг чоп этилишида кўмаклашиш;

илмий ишлар, ўкув-услубий материаллар ва бошқа маҳсус адабиётлар, шунингдек томонларнинг ютукларини акс эттирувчи бошқа материаллар билан ўзаро алмашишни йўлга қўйиш;

судьялар ва хуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг иштирокида ягона суд амалиётини таъминлаш, хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳамда фан соҳасидаги долзарб муаммоларнинг ечимларига бағишлиланган конференциялар, семинарлар, давра сұхбатлари ва бошқа илмий-амалий тадбирлар ташкил этиш;

илмий ва ўкув адабиётларни, амалий қўлланмаларни тайёрлаш; илмий-тадқикот натижаларини амалиётга татбиқ этиш; суд-хукуқ, шунингдек маъмурий, жиноят, жиноят-процессуал, фуқаролик, фуқаролик процессуал, иқтисодий процессуал қонунчилигини янада такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда норма ижодкорлиги фаолиятига татбиқ этиш; илмий-тадқикот натижалари, жумладан нашр этиладиган материалларнинг илмий экспертизасида иштирок этиш, уларга тақриз ва хулосалар тайёрлаш; ахборот-ресурс маркази ва кутубхонадан фойдаланиш.

3-модда

Мазкур келишувнинг шартлари жамоатчилик асосида ташкил этилади ва моддий ҳаражатларни келтириб чиқармайди.

4-модда

Томонларнинг ёзма ёки оғзаки мурожаати мазкур келишув шартларини бажариш учун асос бўлади.

5-модда

Ушбу Келишувда назарда тутилган ўзаро ҳамкорлик йўналишларидан келиб чиқсан ҳолда, Томонлар розилиги билан бошқа тадбирлар ҳам ўтказилиши мумкин.

6-модда

Томонларнинг ўзаро келишувига кўра, ушбу Келишувга ёзма равишда қўшимча ва ўзгартиришлар киритилиши мумкин, улар алоҳида баённома билан расмийлаштирилади.

7-модда

Ушбу Келишувни амалга ошириш ҳамда фаолиятнинг асосий йўналишлари бўйича ҳамкорлик тадбирларини белгилаш учун Томонлар масъул шахс белгилайди ва ҳамкорликдаги муайян фаолиятни амалга ошириш ваколатига эга шахслар раҳбарлигидаги қўшма ишчи гурухлар ташкил қилиши мумкин.

8-модда

Томонлар докторантлар, мустақил изланувчилар ҳамда бошқа мутахассисларнинг илмий тадқикот ишларини бажаришларида ижодий алоқа килиб туришлари учун шароитлар яратадилар.

9-модда

Ушбу Келишув иккала томон вакиллари имзолаган кундан кучга киради ва 5 йил мобайнида амал қиласи. Томонлардан бири Келишув муддати тугашига 6 ой қолганида унинг амал қилишини тұхтатиши ҳакида ёзма хабарнома бермаса, Келишув ўз-ўзидан кейинги 5 (беш) йиллик муддатга узайтирилади.

10-модда

Ушбу келишув юзасидан келиб чиқадиган барча низолар ўзаро келишув асосида ҳал этилади.

11-модда

Мазкур келишув 2019 йил “06” марта, Тошкент шаҳрида бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада ўзбек тилида тузилди.

Ўзбекистон Республикаси
Судьялар олий кенгаши
хузуридаги Судьялар олий
мактаби директори

2019 йил



Х.Мисоков

Ўзбекистон Республикаси Ички
ишлар вазирлиги Академияси
бошлиғи, генерал-лейтенант

2019 йил “06” марта



Б.А.Матлюбов